

МАВСУМИЙ МАРОСИМ ТАОМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

М. Ў. Юсупова

БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўтказилиб келинаётган урф-одат ва маросимлар қадим замонларданок одамлар дилига эзгулик бахш этиш билан бир қаторда эл-юртни бирлаштирадиган, кишиларни ўзаро ҳамжмхатликка, бирдамликка ундайдиган, кадр-қиммат ва меҳр-мурувватни камол топтирадиган улуғвор қадриятлар сирасига киради. Ўзининг ана шундай хусусиятларига кўра урф-одат ва маросимлар жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда. Йил фаслларининг қулай келиши, ёғингарчиликларнинг ўз вақтида бўлиши деҳқон хирмонига хирмон қўшади, чорвадор меҳнати бўлмиш чорвани кўпайтириш ва семиртиришнинг самарасини рўёбга чиқариб, халқимиз дастурхонини мева, сабзавот, озиқ – овқат, гўшт маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, бир қанча маросимлар кашф этилишига олиб келиб, кейинги авлодларга мерос бўлиб қолган. *Профессор Маматқул Жўраев ўзининг “Ўзбек мавсумий маросим фольклори” китобида мавсумий маросимларни, ҳамда халқимизнинг маросимларга бўлган ишончини очиб берган бўлса-да, мавсумий маросим таомлари ҳақида маълумотлар учрамайди. Олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида мавсумий маросим таомлари тўғрисида маълумот йиғишига ҳаракат қилинди.*

Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, мавсумий маросим, маросим таоми, гап – гаштак, наврўз, мучал, ош-палов, диний маросимлар.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг этнографик минтақаларидаи бири бўлган Бухоро воҳаси анъанавий таомлари ва улар билан боғлиқ урф – одат, маросимлар шу қадар бой ва ранг – барангки, шу боис ҳам ҳар томонлама ва махсус тадқиқ этишини тақозо қилади. Бухоро воҳаси ижтимоий ҳаётида таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимларнинг ўрни, аҳамиятини тарихий – этнографик манбалар, илмий адабиётлар асосида чуқур ўрганиш зарур. Ушбу асар ана шу вазифани бажариш йўлидаги навбатдаги қадам.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тарихчи ва этнограф олимлар Б.Х. Кармишева, О. А. Сухарева, Е. М. Пешерева, К. Шониёзов, И. Жабборов, З. Х. Арифханова, У. С. Абдуллаев, А. А.

Аширов, Г. Ш. Зуннунова, М. Б. Курбонова ва бошқаларнинг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Уларнинг Бухоро бўйлаб саёхати, олиб борган изланишлари, ўша давр маросимлари ва уларда пиширган таомларни ўрганиб, ўз тадқиқотларида ўзбек/тожик/туркман/қирғиз халқларида туй/мотам маросимларини ташкил этиш жараёни юзасидан ўз муносабатларини билдириб ўтишган бўлиб, улар томонидан қолдирилган эсдаликлар, китоблар бугунги ёш авлод учун муҳим манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Ўтказилиб келинаётган урф-одат ва маросимлар қадим замонларданок одамлар дилига эзгулик бахш этиш билан бир қаторда эл-юртни бирлаштирадиган, кишиларни ўзаро ҳамжмҳатликка, бирдамликка ундайдиган, кадр-қиммат ва меҳр-мурувватни камол топтирадиган улуғвор қадриятлар сирасига киради. Ўзининг ана шундай хусусиятларига кўра урф-одат ва маросимлар жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда[2].

АСОСИЙ ҚИСМ

Йил фаслларида қулай келиши, ёғингарчиликларнинг ўз вақтида бўлиши деҳқон хирмонига хирмон кўшади, чорвадор меҳнати бўлмиш чорвани кўпайтириш ва семиртиришнинг самарасини рўёбга чиқариб, халқимиз дастурхонини мева, сабзавот, озиқ – овқат, гўшт маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, бир қанча маросимлар кашф этилишига олиб келиб, кейинги авлодларга мерос бўлиб қолган. *Профессор Маматқул Жўраев ўзининг “Ўзбек мавсумий маросим фольклори” китобида мавсумий маросимларни, ҳамда халқимизнинг маросимларга бўлган ишончини очиб берган бўлса-да, мавсумий маросим таомлари ҳақида маълумотлар учрамайди. Олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида мавсумий маросим таомлари тўғрисида маълумот йиғишига ҳаракат қилинди. Халқимизнинг маросимлари шу қадар кўпки, бу маросимларда пиширилиб келаётган таомлар, уларнинг тарихий илдизлари узок асрларга бориб тақалган десак, адашмаган бўламиз ва рус олимлари В.П.Аникин, Ю.Г.Круглов, Л.В.Покровскаялар ва ўзбек фольклоршуноси Б.Саримсоқов, М.Жўраев ўзининг мавсумий маросим фольклорига мавсумий маросим фольклорини тўрт гуруҳга бўлиб ўрганганидек, биз ҳам маросим таомларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишга ҳаракат қилдик.*

1. **Қишги маросим таомлари:** Гап – гаштаклар кўпроқ ўтказилган. Йил бўйи тинмай меҳнат қилган халқимиз қиш фаслини осуда ва зерикарсиз ўтказиш мақсадида, ёши тенг бўлган, яъни ҳамтенг жўралар, дугоналар, ёру дўстлар йиғилишиб зиёфат ўтказишган. Бу зиёфат воҳанинг турли жойларида турлича айтилади: гап, гаштак, гурунг, ўтириш, улфатчилик. Бу зиёфат ҳар бир уй эгасининг розилиги билан уларнинг уйида навбат билан ташкил этилган.

Дастурхон безаш ва таомга кетадиган махсулот учун ўртага пул ташланган. Бир киши бошчилик қилган. “Ҳисобли дўст айрилмас” нақлига амал қилишган ва турли хилдаги тансиқ таомлар пиширилган.

2. Баҳорги маросим таомлари: Шох мойлаш, лой тутиш (кўп жойларда ҳашар деб ҳам юритилган), Наврўз байрами, қозон тўлди, дарвешона, мучал билан боғлиқ бўлган маросимларда махсус таомлар: сумалак, ҳалим, ҳалиса, чучвара (тушбера – Бухоро шаҳри, Шофиркон, Вобкент туманлари атрофида[3] атрофида, барак – Ғиждувон тумани атрофида[4], майдаош – Когон тумани атрофида[5]), Дарвешона[6].

Баҳор фасли турли-туман байрам ва маросимларга тўла палла ҳисобланиб, бу даврлардаги маросимларда ўзбекларнинг табиат билан боғлиқ қадимий фалсафий қарашлари ўзини яққол намоён этади, шу сабабли бундай урф-одат ва маросимлар доимо тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган. Шунинг учун кузатувлар натижасида баҳорги маросим “деҳқон ҳисоби”[7] билан бошланиб, анъанага кўра баҳорги шудгор олдида «ис чиқариш» маросими ўтказилганлиги аниқланган. “Ис” барча хонадон аёллари томонидан чиқарилган ва дала ишлаётганларга юборилган. Бу удум «ис» деб юритилган. Қозонда мой яхши қизитилиб, сўнгра унга кесилган хамир ташланган. Гўёки, марҳумлар ана шу мой қизишини эшитиб, «ис» пиширилганда чиққан хиддан баҳраманд бўлар ва руҳлари шод бўлишиб, қариндош-уруғларига омад тилашар эмиш. “Деҳқон ҳисоби” ва у билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, А.Нарзиқулов, З.Исоқов, А.Аширов ва бошқа олимларнинг этнографик тадқиқотларида қимматли манба сифатида билдирилган[8]. *Шох мойлар маросими баҳорда қўш чиқариш билан боғлиқ бўлган. Деҳқонлар йил давомида экин-тикин мўл-ҳосил беришига умид қилиб биринчи қўш ҳайдайдиган хўкиз шохига зигир мойи сурганлар. Маросимда деҳқончилик пири – бободеҳқондан мўл ҳосил бўлишини тилаб ният қилишган.* Баҳорги маросимлар аҳоли орасида зўр қизиқиш билан ўтказилиб, қишнинг совуқ кунларидан сўнг баҳорнинг яшиллик оламига бурканган илк кунларини ўзгача завқ ва шавқ билан кутиб олишади. Ҳар бир оила кўкликлардан (беданинг илк ниш урган баргларида, қийчидан) турли хил пишириқлар ва тансиқ таомлар таёрлайди. Баҳорги маросимларни ўтказиётган ҳар бир оила эса ўз имкониятига қараб тансиқ таомлар (кўпинча палов), кўкат сомсалар, бўғирсоқлар тайёрлаб, баҳорнинг сеvimли таоми сумалакни тайёрлашади.

3. Ёзги маросим таомлари: Чой момо маросими ўтказилиб, ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб кетиши ёз фаслида енгил овқатларга бўлган эҳтиёжни оширади. Шунинг учун ёзда ўтказиладиган маросимларда енгил ва тез хазм

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)

Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

бўладиган, ёғсиз овқатлар: шўрва (нўхат шўрва, ловияли шўрва, уноши) пиширилган.

4. **Кузги маросим таомлари:** Шамол чақириниш маросими ўтказилган ва аҳолининг асосий юмуши етиштирилган ҳосилни йиғиб, териб олишдан иборат бўлган. Қовун сайли, ҳосил байрамлари кенг нишонланиб, пишириладиган таомлар асосан донли экинлардан тайёрланган. Палов, шавла, қайиш (лўбло қайиш), гўжа таоми[9].

ХУЛОСА

Эътиборли томони шундаки, мавсумий маросим таомлари кўпинча инсоннинг биологик эҳтиёжини қондириш мақсадида эмас, балки бало – қазолардан асровчи озиқ – овқат ёки маросимий қурбонлик сифатида истеъмол қилинган. Маросим таомлари нафақат оилавий маросимлар – бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тантаналари ва мотам маросимларида, балки Биби Сешанба, мушкулкушод, ашурлик, мавлудхонлик каби аёллар иштирокида ўтказиладиган махсус диний маросимлар тайёрланган. Шунингдек, Рамазон ва қурбон ҳайитларида, Наврўз ва сумалак сайлида, оммавий халқ сайиллари (ҳосил байрами, пахта байрами[10]) да – палов, шўрва, чучвара, шавла, ҳолвайтар, ҳалим, сумалак, атала каби ўнлаб махсус маросимий таомлар тайёрлаш анъанаси анъанаси давом этган. Бу маросим таомларини пишириш ва биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувига, айрим ҳолларда таомнинг ўзи дўстлик ёки қариндошлик ришталари шаклланишига сабаб бўлган. Яна шуни қайд этиш керакки, маросим таомлари одамларни бирлаштирибгина қолмай баъзан уларни ажратишга ҳам сабаб бўлган. Бундай маросим таомлари ижтимоий вазифасини бажариш билан бирга ижтимоий табақаланиш каби қарама – қарши амални ҳам бажарган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Жўраев. Л.Худойқулова: Маросимнома.//Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона нашриёти.Т.:2008. – Б. – 6.
2. Дала тадқиқоти: Халилова Ҳалима буви. Шофиркон тумани Қаршиён қишлоғи. 2019 йил 26 март; Дала тадқиқоти. Зарипов Содиқ Жўраевич. Бухоро вилояти Шайх ул – олам маҳалласи 21 уй. (1963 йилда туғилган). 2022 йил февраль
3. А. Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр, 2007. – Б. 89
4. Дала тадқиқоти: Хасанова Нозик буви. Когон тумани. Жанафар қишлоғи (1945 йилда туғилган).2020 йил

5. Дарвиюна ҳақида қаранг: Қурбонова М.Б. Дарвешона маросими хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. - Тошкент-Наманган. 2007. - 214 - 217; Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек халқининг боқий қадриятлари... - 15 - 21-бетлар; Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари... – 55 - 56 – бетлар.
6. “Дехқон ҳисоби” ҳамалдан бошланиб, ҳамал 21 мартдан 21 апрелгача давом этади. Ҳамал арабча сўздан олинган бўлиб “қўзи” деган маънони билдиради. Қўзичоқ (баррача)“ба” деса, шолғом ейилмайди деган нақл халқимиз орасида айтилган ва шунга амал қилинган. Аммо бу бир ирим бўлиб, бу вақтда шолғом таъми ўзгариб, истеъмол қилишга яроқсиз бўлган.
7. М.Жўраев: Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Т.: “Фан” нашриёти.2008. –Б. 16
8. Дала ёзувлари: Бухоро вилояти Ромитан туманида олиб борилган дала тадқиқотида ёзиб олинди. Бу ерда Гўжа қишлоғи бўлиб, иккинчи жаҳон урушида оч қолган халқ шу таомни пишириб еб тирик қолишган экан.
9. Дала ёзувлари. Илгари яъни мустамлакачилик даврида кўпчилик далаларимизда пахта экилиб, уни йиғиб олишга катта эътибор қаратилган. Ноябрь ойининг охирларигача пахта терилган. Ҳосилнинг ҳаммаси тўлиқ йиғиб олингандан кейин “Пахта байрами” (ҳосил байрами) ўтказилган. 2019 йил август.
10. Қурбонова М.Б. Дарвешона маросими хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. - Тошкент-Наманган. 2007. – Б. 214 - 217;
11. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр, 2007. – Б. 89
12. Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек халқининг боқий қадриятлари... – Б. 15 - 21
13. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари... – Б. 55 - 56
14. Дала тадқиқоти материаллари
15. European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) Available Online at: <https://www.scholarzest.com>. MYTHOLOGICAL FEATURES OF CIRCUMCISION CEREMONIES AND DISHES IN BUKHARA OASIS. –Б. 144
16. М.Жўраев. Л.Худойкулова: Маросимнома.//.Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона нашриёти.Т.:2008. – Б. – 6.
17. Yusupova M. WEDDING CEREMONY AND DISHES: MODERNISM AND SPECIFIC FEATURES //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 5. – С. 271-276.
18. Ismailovich T. A. Migration of Turkmen Tribes to Zarafshan Oasis: History and Analysis //Central Asian Journal of Social Sciences and History. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 47-52.

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)

Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

19. To'Rayev A. I. BUXORO VOHASIDA YASHAB KELGAN TURKMANLAR HAYOTIDA CHORVACHILIKNING O'RNI //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1165-1170.
20. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
21. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
22. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
23. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИННИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938.
24. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
25. Ochilov A. Бухоро воҳасининг қадимги антропоген ландшафтида Сармишсой дарасининг тутган ўрни //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.